

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“ХОРАЗМ ХЭТ” АЖ бош директори

С.М.Берегин

“ 18 ” “ 08 ” 2022 йил

Хоразм вилояти Тупрокқалъа туманидаги Ҳазарасп маҳалласи ҳудудида жойлашган иссиқхона мажмуасини электр энергияси билан таъминлар учун 35 кВ - 2x0,3 км узунликдаги 35/10 кВ электр узатиш линияси ва 2x6300 кВА қувватга эга иккита трансформаторли подстансиясини қуриш бўйича

ЭЛЕКТРОН ТЕНДЕР ХУЖЖАТЛАРИ

Тендер хужжатларининг мазмуни:

- I. Тендер иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Тендер иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТЕНДЕР ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Объект номи: *Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги Ҳазарасп маҳалласи ҳудудида жойлашган иссиқхона мажмуасини электр энергияси билан таъминлар учун 35 кВ - 2х0, 3 км узунликдаги 35/10 кВ электр узатиш линияси ва 2х6300 кВА қувватга эга иккита трансформаторли подстанциясини қуриш.*

Қурилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **14 894 489 310** (ўн тўрт миллиард саккиз юз тўқсон тўрт миллион тўрт юз саксон тўққиз минг уч юз ўн) сўм

1.1 Танлов охири қиймати - **14 894 489 310** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ тендер хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу тендер яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. “ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - тендер ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй манзили.

Тендер “Буюртмачи” томонидан тендерлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Тендер “ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил иш тажрибасига тажрибасига

эга бўлган қурилиш соҳасига ихтисослашган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Тендерга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

1. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

*Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотларни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони, кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда ушбу корхонада ишлашини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (электрон меҳнат дафтарчаси, диплом нусхаси) тақдим этилиши шарт.

2. Тендерда қатнашиш учун тендер иштирокчиси банк ҳисоб тендерда қўйилган объект қийматининг 20% миқдоридagi айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки буюртмачи томонидан талаб қилинган миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафилиги.

3. Ҳавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия мавжудлиги

4. Маҳаллий ва харкаро ISO сертификати мавжуд эканлиги.

5. Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот.

*Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. Ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

6. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси.

*Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси, бунда тендер иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак, шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7. Тендер иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси камида “СС” ва ундан юқори бўлган қурилиш ташкилотлари мазкур тендерда қатнашишига руҳсат қилинади, электрон рейтинг даражаси “СС” дан паст бўлган ҳамда асосий фаолият соҳаси қурилиш бўлмаган оферентларга мазкур тендерда қатнашишига руҳсат қилинмайди.

8. Тендер иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи.

Бунда тендер иштирокчи аудитор компаниясининг ҳулосаси ёки корхонанинг охириги 3 йиллик баланс, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини давлат солиқ органларидан тасдиқланган шаклда илова қилишга шарт.

9. Коррупцияга йўл қўймаслик тўғрисидаги кафолат хати.

Бунда тендер иштирокчиси тендер жараёнида ҳар қандай кўринишдаги коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисидаги қафолат хати тақдим қилиши шарт.

4. ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон тендерлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Тендер учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Тендер ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Тендер шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсатилган кўрсатилган бўлиши керак

Тендер иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон тарзда (etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Тендер иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Тендер иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси тендер ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Тендерни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган

ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Тендер иштирокчиси тендер ҳужжатлари қоидаларини тендер ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Тендер ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Тендернинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига тендер натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси:



Ш.Э.Аллазаров

Харид комиссияси аъзолари:




О.И.Раджапов

С.Р.Ғайипова




Т.Ш.Матмуратов



А.Б.Каримов



М.Ш.Назаров



А.А.Каримов

Харид комиссияси котиби:



Д.Ж.Хасанов